

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT AGRAR
UNIVERSITETI



MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT STATE AGRARIAN
UNIVERSITY

BUYRUQ

100140 TOSHKENT -140

ORDER

100140 TASHKENT-140

14.01.19 № 196/31

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2019 йил 9 январдаги
12-сонли буйруғи ижросини
таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2019 йил 9 январдаги 12-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 9 январдаги “Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларида 2019 йил штатлар жадвалини тўғри режалаштирилишини ўрганиш ҳақида”ги 12-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларига қуйида талаб этиладиган маълумотларни белгиланган муддатда тақдим этиш учун 2019 йил 11 февралга қадар тайёрлаш вазифалари юклатилсин:

Режа-молия бўлими бошлиғи Н.Рахмонов штатлар жадваллари (электрон ҳамда имзоланган шаклда);

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи М.Атабаев мавжуд таълим йўналишлари бўйича факультетлар кесимида талабалар сони ҳақида маълумот;

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор И.Исраилов тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим талабалар ҳақида маълумот (агар мавжуд бўлса);

Ишлар бошқармаси бошлиғи З.Искандаров ва Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи Н.Юлдашев намунавий штатлар асосида штатлар жадвалини кўриб чиқиш учун керакли бошқа (умумий майдон, фойдали майдон, бинолар, ётоқхоналардаги талабалар контингенти ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги) асосланган маълумотлар.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

РЕКТОР

Б.СУЛАЙМОНОВ